
КОНСТИТУЦИЈАВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ. ОИЛАВИЙ ҲУҚУҚ.

*Келиб тушган сана 10 март, 2018 й.
Эълон қилинган сана 20 май, 2018 й.*

Абдиева Феруза Раҳимжонова,

Ўзбекистон Республикаси Президенти
ҳузуридаги Давлат бошқаруви
академиясининг "Худудлар менежменти"
йўналиши II босқич тингловчиси

Самандарова Нодира Керимбаевна,

Ўзбекистон Республикаси
Президентихузуридаги Давлат бошқаруви
академиясининг "Худудлар менежменти"
йўналиши II босқич тингловчиси



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2018-2-8>

МАМЛАКАТИМИЗДА ХОТИН-ҚИЗЛАР МАСАЛАСИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ВА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДАГИ ИЖРОСИ ТАҲЛИЛИ

Аннотация: ушбу мақолада 2017 йил давомида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида хотин-қизлар масаласида олиб борилган ишлар, ҳудудда ижтимоий-маънавий муҳитни яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар натижаси, ижтимоий-маънавий муҳит бўйича 2017 йилнинг асосий кўрсаткичларитаҳлил қилинди.

Калит сўзлар: ижтимоий-маънавий муҳит, ҳуқуқий саводхонлик, асосий кўрсаткичлар, никоҳ, ажрим, жиноятчилик, оналик ва болалик муҳофазаси, банглик, қадриятлар, оила, оилавий низолар, эрта никоҳ, эрта туғруқ, қасд-суиқасд, соғлом авлод, тарбия, ижтимоий ёрдам.

Аннотация: в этой статье анализируются проблемы женщин в городе Ташкент и Ташкентской области в 2017 году, итоги мер по улучшению социально-культурной среды в регионе и основные показатели социально-культурной среды за 2017 год.

Ключевые слова: социально-нравственная среда, юридическая грамотность, основные показатели, брак, развод, преступность, материнство и защита детей, занятость, ценности, семья, семейные конфликты, ранние браки, ранние роды, суицид, здоровое поколение, воспитание, социальная помощь.

Abstract: this article analyzes the problems of women in the city of Tashkent and the Tashkent region in 2017, the results of measures to improve the socio-cultural environment in the region and the main indicators of the socio-cultural environment for 2017.

Key words: Social and ethical environment, legal literacy, basic indicators, marriage, divorce, crime, motherhood and child protection, employment, values, family, family conflicts, early marriages, early childbirth, suicide, a healthy generation, upbringing, social assistance.

"Хотин-қизларга эътибор ҳамма вақт барча саъйи-ҳаракатларимиз марказида бўлиши, ҳаммамизнинг вазифамизга айланиши керак."
Ш.Мирзиёев.

Мамлакатимиз хотин-қизларининг жамиятдаги нуфузи ва мавқеини ошириш, уларнинг давлат бошқарувидаги, муҳим ҳукумат қарорларини қабул қилишдаги ҳамда жамият тараққиётидаги фаол иштирокини таъминлаш, хотин-қизларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, уларнинг ўз иқтидорини турли жабҳаларда намоён этишлари учун кенг имкониятлар яратиб бериш, аёлларнинг бирортаси ҳам беътибор қолмаслиги учун жамиятимизда тегишли шарт-шароит яратиш давлат сиёсати даражасига айланган. Юртимизда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оила мустақамлигини таъминлаш бир қанча фармон ва қарорлар, қонуности ҳужжатлари орқали мустақамланиб борилмоқда. Хотин-қизлар масаласида олиб борилаётган давлат сиёсатининг ижроси юзасидан Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳокими ўринбосарлари - хотин-қизлар қўмитаси раислари фаолияти ҳамда улар томонидан тасдиқланган "Ҳудудий шаҳар ва туман ҳокими ўринбосарлари - хотин-қизлар қўмитаси раислари фаолиятини ўрганиш юзасидан ҳудудларга чиқиш" жадвали асосида Тошкент шаҳридаги туманлар ва Тошкент вилояти ҳудудидаги туман ва шаҳар ҳокими ўринбосарлари - хотин-қизлар қўмитаси раислари фаолияти бевосита ҳудудларга чиқиб ўрганилди ва маълумотлар умумлаштирилди.

Ҳоким ўринбосарлари-хотин-қизлар қўмитасининг ҳудудий раҳбарлари (шаҳар, вилоят, вилоят аҳамиятига эга шаҳарлар) фаолияти "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон

Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чоратадбирлар тўғрисида"ги ПФ-3434-сонли фармони, ҳокимлик регламенти, ҳоким ўринбосари - хотин-қизлар қўмитаси раисининг функционал вазифалари тўғрисидаги Низом, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари - Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раиси ва ҳоким топшириқларига мувофиқ, шунингдек, шахсий иш режаси ва ҳокимликнинг Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари бўйича Котибияти иш режаси асосида ташкил қилинади.

Ҳоким ўринбосарлари-хотин-қизлар қўмитасининг ҳудудий раҳбарлари фаолияти ҳудуддаги хотин-қизлар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга, уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга, оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришга, аёлларни ишга жойлаштиришга ва уларнинг ижтимоий ва меҳнат ҳуқуқларини таъминлашга йўналтирилган.

Юртимизда 2017 йил "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари" Давлат дастури доирасида ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш бўйича Тошкент шаҳар туманлари ва Тошкент вилоятининг туман ва шаҳарларига қарашли маҳалла ва оилаларида ижтимоий маънавий-муҳитни соғломлаштириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилган. Жумладан ҳар чорак учун мўлжалланган чора-тадбирлар

дастурлари ҳамда ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан оғир бўлган маҳаллаларни 2017 йил давомида комплекс ривожлантириш бўйича "Йўл харитаси" ижроси юзасидан ишлар; жамоатчилик назорати гуруҳлари томонидан маҳаллаларда ва оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганишга қаратилган кунлик ишлар; маҳаллаларда ва оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганишда ва унинг натижалари бўйича аниқланган муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш юзасидан фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда давлат органлари ва жамоат ташкилотлари ҳамкорликдаги ишлари; ижтимоий-маънавий муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатлар (жиноятчилик, нотинч оилалар, ўз жонига қасд ва суиқасд қилиш, ажрим ва б.) нинг профилактикаси; кам таъминланган оилалар ва уларнинг меҳнатга лаёқатли аъзоларининг бандлигини таъминлаш борасидаги ишлар. Тошкент шаҳри туманлари ва Тошкент вилоятининг туман (шаҳар)ларидаги мутассаддилар - секторлар раҳбарлари, туман (шаҳар) ҳокимининг ўринбосарлари, жамоат ташкилотлари ва масъул давлат идоралари раҳбарлари томонидан уч ойлик дастурлар, "Йўл хариталари" ва бошқа ҳужжатларнинг ижроси юзасидан ишлар амалга оширилган[1].

Ҳудудлар кесимида оғир турмуш шароитида яшаётган аёллар, айниқса ёш хотин-қизлар бандлигини таъминлаш дастурлари ишлаб чиқилган, ҳудудларда ишчи гуруҳлари тузилган, бандлиги таъминланиши лозим бўлган оғир турмуш шароитида яшовчи хотин-қизлар рўйхати шакллантирилган ҳамда хотин-қизларни ишга жойлаштириш масаласида Бандликка кўмаклашиш марказлари билан ҳамкорликда ишлар

ташкил қилинган. Жиноятга мойил хотин-қизлар ўртасида якка тартибда суҳбатлар ўтказилган, турли хил жамоат ишларига, тадбирларга жалб қилинган, маҳалла фуқаролари, хотин-қизлар, ёшлар ўртасида жиноятчилик ва унинг оқибатлари тўғрисида тушунтириш ишлари олиб борилган, ҳуқуқбузарлик содир қилишга мойиллиги бўлган фуқаролар ҳамда турли мақсадларда узоқ муддат чет элда бўлиб қайтган шахслар билан, уларнинг жиноят содир қилишини олдини олиш борасида тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари билан ҳамкорликда профилактик суҳбатлар ўтказилиб келинган. Шунингдек фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича барча туманлар ва шаҳарлар кенгашлари қошида хотин-қизлар қўмиталари раисларининг умумий раҳбарликларида жамоатчилик назорати гуруҳлари шакллантирилган бўлиб, маҳаллаларда ва оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш бўйича маҳалла (қишлоқ, овул, шаҳарча) фуқаролар йиғинларида жамоатчилик назоратини амалга ошириш бўйича Кенгаш тузилган, маъсуллар белгиланган, жамоатчилик гуруҳи рўйхати шакллантирилган, оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни ҳамда ижтимоий соҳа объектларида ўрганиш ишларини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган, ўрганиш натижалари бўйича аниқланган муаммоларни бартараф этишга қаратилаган ҳар чоракка мўлжалланган чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган, муаммоларни бартараф этиш юзасидан бажарилган ишлар ҳисоботи тўлдирилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги "Ҳудудларнинг жадалижтимоий-

иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида"гиПҚ-3182-сонли Қарори ижроси юзасидан Тошкент шаҳри туманлари ва Тошкент вилоятнинг туман (шаҳар)ларидаҳар бир ҳудуд 4 та секторга бўлиниб - ҳоким, ички ишлар, солиқ инспекцияси, прокуратура секторларида уйма - уй юриб, фуқароларнинг муаммоларини ўрганиш ва уларга амалий ёрдам бериш ҳамдафуқароларнинг оғзаки ва ёзма мурожат тизими йўлга қўйилган[2].

Тошкент шаҳрида. Тошкент шаҳар ва унинг барча туманларида хотин-қизлар қўмиталари раислари бошчилигида жамоатчилик назорати гуруҳлари ташкил этилиб, гуруҳ аъзолари томонидан уйма-уй юриш орқали оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш юзасидан қўйидаги ишлар амалга оширилган: 2016-2017 ўқув йилида Тошкент шаҳридаги касб-ҳунар коллежларини тугаллаган 11.894 нафар қизларнинг бандлигини таъминлаш масалаларида ишлар олиб борилган; ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси маълумотларига кўра, 2018 йилнинг19 январь ҳолатига, 11.894 нафар битирувчи қизлардан 10.830нафарининг(91,1 фоиз) бандлиги таъминланган; бироқ, олиб борилган ўрганишлар натижасида бандлиги таъминланган сифатида берилган қизлардан 600нафари ўрганилганида, улардан 104нафари (17,3 %) бугунги кунда ишламасдан уйда ўтирганлиги ёки турмушга чиқиб кетганлиги аниқланди; шунингдек, жамоатчилик гуруҳлари томонидан 2018 йилнинг январь ойи давомида маҳаллаларда ишлашни хохловчи ногирон хотин-қизлардан 142 нафаринингрўйхатлари шакллантирилган. ДЭО оқимида мансуб ва бугунги кунда махсус ҳисобдан чиқарилган хотин-қизлар билан

қўйидаги ишлар олиб борилган: 2017 йилнинг июнь ойи давомида ИИББ махсус ҳисобида ДЭОга мансуб сифатида рўйхатда турган 491 нафар хотин-қизлар билан олиб борилган тушунтириш-тарғибот ишлари натижасида улардан 396 нафари рўйхатдан чиқарилган. (ҳозирги кунда 393 нафар: 1 нафари вафот этган, 2 нафари бошқа вилоятларга ўтказилган). Бу оилаларда тарбияланаётган 518 нафар вояга етмаган фарзандлар билан алоҳида ишлар олиб борилмоқда. Уларга масъуллар бириктирилиб, маҳаллалар ва таълим муассасаларида ташкил этилган турли йўналишлардаги тўғарақларга жалб қилинган. Жамоатчилик назорати гуруҳлари томонидан тўй-ҳашам ва оилавий маросимларни ихчам ва исрофгарчиликларсиз ўтказиш юзасидан ўн мингдан ортиқ тўй қилаётган фуқаролар билан суҳбатлар ўтказилган. Суҳбатлар натижасида тўй маросимларини дабдабали қилиш эҳтимоли бўлган 9 мингга яқин никоҳ тўйларининг ихчам ўтказилишига эришилган.Бундан ташқари, туман хотин-қизлар қўмиталари қошида ташкил этилган Ишчи гуруҳлари томонидан ҳудудда жойлашган тўйхона ва ресторанларда навбатчилик ташкил этилган. Ҳафтанинг ҳар душанба кунлари Ишчи гуруҳлар томонидан аниқланган ҳолатлар муҳокама қилиниб, тегишли чора-тадбирлар белгилаб бориш тизими жорий қилинган. 2017 йилнинг август-сентябрь ҳолатига, дабдабали тўй ўтказган 31 нафар фуқаролар билан муҳокама йиғилишлари ўтказилиб, тушунтиришлар олиб борилган. Бу муҳокамаларга тўй қилиш арафасида турган маҳалла фуқаролари ҳам таклиф этилган[3].

Тошкент вилоятида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017

йил 1 декабрдаги "Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5270-сонли Фармонининг ижроси юзасидан 2017 йилда 100 нафарга яқин меҳнатга лаёқати чекланган, уй-жойга ўта муҳтожногиронлар арзонлаштирилган уй-жойлар билан таъминланди [4]. Вилоятда турмуш шароити оғир бўлган 1116 нафар хотин-қизлар аниқланган. Уларни бандлигини таъминлаш юзасидан алоҳида дастур ишлаб чиқилган. Бугунги кунга қадар вилоят бўйича 13522 нафар ногирон хотин-қизлар аниқланган. Энг кўп Тошкент туманида 1420 нафар, Қибрай туманида 987 нафар, Ўрта Чирчиқ туманида 881 нафар. Шундан уй-жойга муҳтожлари 1245 нафар. Меҳнат қилиб даромад топиш истаги бўлган хотин-қизлар сони 258 нафарни ташкил этмоқда [5]. Жамиятдаги ногиронлиги бўлган хотин-қизлар ўртасида ҳам бир қатор ишлар ташкил қилинган. Жумладан Оққўрғон туманида ногиронлиги бўлган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва жамиятдаги фаол иштирокини таъминлаш мақсадида "Гўзаллик жилоси" цехи очилган ва ҳудуднинг 56 нафар хотин-қизлари иш билан таъминланган [6].

Шунга қарамасдан хотин-қизлар ўртасида олиб борилаётган ишларнинг самарали фаолиятига тўсқинлик қилаётган бир қатор муаммолар мавжуд. Биринчи навбатда ижтимоий омиллар - жамиятимиздаги хотин-қизларнинг тўлиқ иш (бандлик) билан таъминланмаганлиги, бирор касб-ҳунарга эга бўлмаган аёлларнинг мавжудлиги, хотин-қизларни бандлигини тўлиқ таъминлаш учун ҳудудда ишлаб чиқариш корхоналари етарли эмаслиги, ҳуқуқий саводхонлик даражасининг,

маънавий-ахлоқий, диний қадриятларнинг оила тарбиясида етишмаслиги ёки сустлиги, "оила-маҳалла-таълим муассасаси" ҳамкорлигининг яхшийўлга қўйилмаганлиги, иккинчидан иқтисодий омиллар - оилада моддий-молиявий етишмовчиликлар, оилада ота ёки онанинг узоқ муддатга чет элга чиқиб кетганлиги натижасида фарзандларнинг эътибордан четда қолаётганлиги, оиладаги низо ва келишмовчиликлар (эр ёки отанинг ичкиликбозлиги, доимий жанжаллар) оқибатидаги юзага келган психологик носоғлом муҳит, атроф-муҳит таъсири ва ниҳоят хотин-қизлар соҳасида олиб борилаётган давлат дастурларининг жамиятдаги барча хотин-қизлар қатламини тўлиқ қамраб олмаётганлиги ва б. Мамлакатимизда хотин-қизлар масаласида олиб борилаётган давлат сиёсатининг ижроси Тошкент шаҳар туманлари ва Тошкент вилоятининг туман (шаҳар)лари кесимида ўрганилганда ижобий кўрсаткичлар билан бир қаторда хотин-қизлар ўртасида ишсизлик, жиноятчилик, қасд ва суиқасд, девиант хулқ-атворга эга аёллар (фоҳишахоналар сақловчилар, фоҳишалик бўйича рўйхатда турувчи аёллар), ДЭО рўйхатида турган аёллар, ичкиликбоз ва гиёҳвандликка ружу қўйганлар, эрта никоҳ ва эрта туғруқ, шаърий никоҳ, оналар ва гўдаклар ўлими, ноқонуний миграция (узоқ муддатга ишлашга хорижга норасмий кетган аёллар) нотинч оилаларда оилавий мажоролар, жумладан ажрим масалалари, қайнона-келин, келин-куёв мажоролари каби салбий кўрсаткичлар ҳам ўрганилди.

Хотин-қизлар масаласида олиб борилаётган давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири бу оналик ва болаликнинг муҳофазаси ҳисобланади. Соғлом бола туғилиши, она ва бола

саломатлигини муҳофаза қилиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш мақсадида мамлакатимизда қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги "Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 365-сон қарорлари ижроси ҳамда ФХДЁ бўлимлари томонидан 2017 йил давомида қайд қилинган фуқаролик ҳолати далолатномалари таҳлили бўйича қуйидаги кўрсаткичлар мавжуд:

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида вояга етмаган қизлар ўртасида эрта туғруқ:

Тошкент шаҳрида 2017 йилнинг январ - декабрь охи давомида вояга етмаганлар ўртасида ҳомиладорлик ва туғруқлар тўғрисидаги маълумотга кўра, 2017 йил давомида Тошкент шаҳрида вояга етмаган қизлардан 15-16 ёшли қизлар ўртасида 2 нафар туғруқ қайд этилган (Шайхонтоҳур ва Чилонзор туманларида), 17 ёшли қизлар орасида 16 нафар (Чилонзор туманида 3та, Мирзо Улуғбек, Учтепа, Сергели, Яшнобод ва Шайхонтоҳур туманларида 2тадан, Юнусобод, Олмазор ва Бектемир туманларида 1тадан) туғруқ қайд қилинган. Шунингдек, ФХДЁ да қайд этилмаган 1 нафар 15 ёшли (Бектемир тумани), 3 нафар 16 ёшли (Учтепа, Сергели ва Олмазор туманларида) туғруқ содир бўлган. 1 нафар 15 ёшли (Яккасарой), 3 нафар 16 ёшли (М. Улуғбек, Олмазор ва Бектемир туманларида), 2 нафар 17 ёшли (М. Улуғбек, Миробод туманлари) вояга етмаган қизнинг хомиласи тўхтатилган. Ҳозирги кунда 8 нафар вояга етмаган қизлар хомиладорлиги бўйича диспансер назоратида турибди, улардан 1 нафари 15 ёшли (Миробод тумани), 4 нафари 16 ёшли (Олмазор,

МирзоУлуғбек, Учтепа, Яшнобод), 3 нафар 17 ёшли (Сергели, Яшнобод, М.Улуғбек туманлари) қайд этилган[7].

Тошкент вилояти бўйича 15-17 ёш қизлар томонидан 35 та ҳолатда бола туққанлик қайд этилган. Шундан 15 ёш қизлар томонидан 2 та, 16 ёш қизлар томонидан 18 та, 17 ёш қизлар томонидан 15 та эрта туғруқ ҳолати ташкил этади. Мазкур кўрсаткичларнинг 3 таси Ангрен шаҳар (15 ёш-1, 16 ёш-1, 17 ёш-1), 3 таси Олмалик (17 ёш), 1 таси Бўқада (16 ёш), 6 таси Чирчиқ (16 ёш-2, 17 ёш-4), 2 таси Охангарон шаҳарда (16 ёш-1, 17 ёш-1), 1 таси Янгийўл шаҳар(17 ёш), 1 таси Бекобод туманда (16 ёш), 1 таси Оққўрғон (16 ёш), 2 таси Бўстонлик (16 ёш), 1 таси Паркентда (16 ёш), 5 таси Ўртачирчиқ (15 ёш-1, 16 ёш-4), 5 таси Чиноз (16 ёш-3, 17 ёш-2), 4 таси Юқоричирчиққа (16 ёш-1, 17 ёш-3) тўғри келади[8].


Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида оналар ва болалар ўлими:

Тошкент шаҳрида 2017 йилнинг январ - декабрь охи давомида оналар ўлими жами 8 нафар (2016 йилда ҳам 8 нафар). 2017 йилда Олмазор туманида 2 нафар, Шайхонтоҳур туманида 1 нафар, Юнусобод туманида 2 нафар, Яшнобод туманида 3 нафар. 2016 йил билан таққослаганда Миробод туманида 1 нафар, Мирзо Улуғбек туманида 2 нафар, Олмазор туманида 2 нафар, Учтепа туманида 2 нафар, Яшнобод туманида 1 нафар. 2017 йилнинг январ - декабрь охи давомида гўдаклар ўлими шаҳар бўйича 300 нафар (2016 йилда 295 нафар) бўлиб, гўдаклар ўлими кўрсаткичи ошганлигини кўрсатмоқда. Бектемир туманида 8 нафар, Миробод туманида 15 нафар, Мирзо Улуғбек туманида 21 нафар, Олмазор туманида 38 нафар, Сергели туманида 37 нафар, Учтепа туманида 35 нафар, Чилонзор

туманида 32 нафар, Шайхонтохур туманида 37 нафар, Юнусобод туманида 28 нафар, Яккасарой туманида 10 нафар, Яшнобод туманида 39 нафар қайд қилинган. Болалар ўлими 2017 йилда 2016 йилга нисбатан Бектемир туманида 1 нафар, Сергели туманида 16 нафар, Чилонзор туманида 7 нафар, Яккасарой туманида 3 нафар, Яшнобод туманида 5 нафарга ошган. 2017 йилда Тошкент шаҳрида 15-16 ёшли вояга етмаган қизлар ўртасида эрта туғруқ ҳолатлари Чилонзорда 1 нафар, Шайхонтохур туманида 1 нафарни ташкил қилган. (2016 йилда Мирзо Улуғбек туманида 1 нафар, Шайхонтохур туманида 2 нафарни ташкил қилган бўлиб, бу кўрсаткич ҳам ошганлигини кўрсатмоқда[9].

Тошкент вилоятида болалар ўлими 2017 йилда вилоят бўйича 488 нафар бола ўлик туғилганлиги қайд этилиб, ушбу кўрсаткичнинг 92 та Чирчиқ, 41 та Ангрен шаҳар ва Олмалиқ шаҳарга, 32 та Қуйичирчиқга, 28 таси Янгийўл туманга, 25 таси Юқоричирчиқга, 26 таси Паркентга, 23 тадан Зангиота ва Тошкент туманларига, 21 та Чинозда, 18 та Бекобод туманга, 17 таси Пскентга, 19 тадан Бўстонлиқ, Қибрай, Бўка туманларига, 12 таси Бекобод шаҳарга, 11 таси Оққўрғонга, 8 та Қуйичирчиқга, 5 тадан Охангарон туман ва шаҳарга, 3 та Янгийўл шаҳарга тўғри келмоқда. Ушбу кўрсаткичлар 2016 йилга нисбатан Олмалиқ шаҳарда 12 тага, Зангиотада 3 та, Пскентда 7 та, Чинозда 12 та, Бўкада 9 тага, Ўртачирчиқда 8 тага ошган. Шу билан бирга, 2017 йилда Тошкент вилояти бўйича 570 та **бир ёшгача ўлим ҳолати** қайд этилган бўлиб, шундан Ангрен шаҳарда 65 та, Бекобод шаҳарда 24 та, Бекобод туманида 31 та, Бўкада 21 та, Бўстонлиқда 19 та, Зангиотада 27 та, Тошкентда 30 та, Олмалиқда 25 та,

Охангарон туманда 14 та, Охангарон шаҳарда 5 та, Оққўрғонда 11 та, Паркентда 29 та, Пскентда 11 та, Чирчиқда 83 та, Чинозда 17 та, Юқоричирчиқда 30 та, Янгийўл туманда 34 та, Янгийўл шаҳарда 17 та, Ўртачирчиқда 25 та, Қибрайда 36 та, Қуйичирчиқда 13 та, Нурафшонда 3 тани ташкил этади. Мазкур ҳолатлар ўтган 2016 йилга нисбатан Ангренда 26 тага, Бекобод шаҳарда 4 та, Бўкада 5 тага, Оққўрғонда 5 тага, Юқоричирчиқда 14 тага, Қибрайда 11 тага кўпайган. Бу кўрсаткичлар юқори бўлган ҳудудларда оналар ва 1 ёшгача бўлган болалар ўлими, ўлик болалар туғилиши, ирсият билан боғлиқ ва туғма касалликларга чалинган болалар туғилишининг олдини олиш ҳамда соғлом оилани шакллантириш бўйича тарғибот ишлари етарли даражада олиб борилмаётганлигидан далолат беради. Шунингдек, аёллар ҳомиладор бўлган вақтдан туққунга қадар ўз ҳудудида мутахассис шифокор назоратида бўлишини таъминлаш тиббиёт бирлашмалари ва қишлоқ врачлик пунктларининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади[10].



Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти бўйича никоҳ ва ажримлар ҳолати:

Тошкент шаҳри бўйича 2017 йилнинг 12 ойи давомида никоҳдан ўтиш учун 20.911 та аризалар қабул қилинган бўлиб, ўтган йилга нисбатан 249 тага камайган. Ариза берган никоҳланувчи-

лардан 19,147 жуфтнинг никоҳи қайд этилиб, 34.370 та шахс тиббий кўрикдан ўтган, қолган 852 таси ВМнинг 17.04.07й № 78-сонли қарорига асосан, 50 ёшдан ошганлиги сабабли ва 3,072 таси Оила кодексининг 13-моддасига биноан, хомиладор бўлганликлари сабабли тиббий кўрикдан ўтмаганлар. Вазирлар Маҳкамасининг 365-сонли қарорига белгиланган 5 та касаллик бўйича аниқланган касалликларнинг умумий сони 2016 йилнинг 12 ойида 359 тани ташкил этган бўлса, жорий йилги кўрсаткич 355 тани кўрсатади, яъни 4 тага камайган; шаҳар бўйича камайган бўлсада, айрим туманларда ошган: **Рухий касалликлар:** Учтепа, Яшнобод туманларида 4 тага, Олмазор туманида 3тага ошганлиги қайд этилган; **Наркологик касалликлар:** Яшнобод туманида 4 тага, Бектемиртуманида 1тага ошган; **Захм:** Сергели, Юнусобод туманларида 1 тага ошган; **Сил касаллиги:** Бектемир туманида 3тага, Мирзо Улуғбек, Шайхонтохур туманларида 1 тага ошган; **ОИТС касаллиги:** Чилонзор туманида 10 тага, Сергели туманида 4тага, Олмазор, Яшнобод туманларида 3тага ошган; Касаллик туфайли рад этилган никоҳлар кузатилмаган. "Ёш оила мактаби" ўқуви бўйича 2017 йил давомида туман ФХДЁ ва "Никоҳ уйлари"да жами 270 та ўқувлар ташкил этилиб, унда 21.716 бўлажак келин-куёвлар ўқувда иштирок этганлар. Тошкент шаҳри бўйича 2017 йилда 19,147 жуфтнинг никоҳи қайд этилиб, никоҳдан ажрим ҳолатлари 3571 тани ташкил этган, 2016 йилда 4378 тани ташкил этган, яъни 807 тага камайган[11].

Тошкент вилояти бўйича адлия ва бошқа мутасадди органлар билан олиб борилган тарғибот тадбирларига қарамасдан, 2017 йилда вилоят бўйича

3620 та никоҳдан ажралганлик ҳолати қайд этилган бўлиб, шундан Ангрен шаҳарда 267 та, Бекобод шаҳарда 164 та, Бекобод туманида 167 та, Бўқада 127 та, Бўстонликда 150 та, Зангиотада 182 та, Тошкентда 167 та, Олмаликда 265 та, Охангарон туманда 88 та, Охангарон шаҳарда 58 та, Оққўрғонда 149 та, Паркентда 134 та, Пискентда 84 та, Чирчиқда 289 та, Чинозда 126 та, Юқоричирчиқда 199 та, Янгийўл туманда 157 та, Янгийўл шаҳарда 142 та, Ўртачирчиқда 291 та, Қибрайда 261 та, Қуйичирчиқда 152 та, Нурафшонда 1 тани ташкил этади. Ушбу кўрсаткичлар ўтган 2016 йилга нисбатан Ангренда 16 тага, Бекобод туманида 41 тага, Бўқада 50 тага, Тошкентда 14 тага, Олмаликда 1 тага, Охангарон туманда 3 тага, Оққўрғонда 36 тага, Паркентда 9 тага, Пскентда 7 тага, Чирчиқда 44 тага, Чинозда 20 тага, Юқоричирчиқда 14 тага, Янгийўл шаҳарда 40 тага, Ўртачирчиқда 67 тага, Қуйичирчиқда 42 тага ошган[12]. **Тошкент вилояти бўйича** 2017 йилнинг январь-декабрда ФХДЁ органларида 23721 та никоҳлар ва 3620 та ажралишлар рўйхатга олинган. Минг аҳолига нисбатан 8,3 та никоҳ (2016 йилнинг тегишли даврида - 7,6 та) ва 1,3 та ажралишлар (2016 йилнинг тегишли даврида - 1,2 та) тўғри келади[13].

Бундан ташқари, 2017 йил давомида Тошкент вилоятида **шаърий никоҳ** билан яшаётган оилалардан 2697 тасининг қонуний никоҳи қайд этилган. Ушбу кўрсаткичларнинг 168 таси Ангренга, 118 таси Бекобод шаҳарга, 90 таси Олмаликқа, 50 таси Охангарон шаҳарга, 129 таси Чирчиққа, 139 таси Янгийўл шаҳарга, 75 таси Бекобод туманига, 183 таси Бўстонликқа, 125 таси Бўқага, 17 таси Оққўрғонга, 84 таси Охангарон туманга, 119 таси Зангиотага, 161 таси Қибрайга, 145 таси

Қуйичирчиққа, 113 таси Паркентга, 68 таси Пскентга, 112 таси Ўртачирчиққа, Тошкентга 75 таси, 157 таси Чинозга, 269 таси Юқоричирчиққа, 300 таси Янгийўл туманга тўғри келади. Мазкур ҳолатлар ўтган 2016 йилга нисбатан Ангренда 3 тага, Бекобод шаҳарда 29 тага, Олмалиқда 25 тага, Бўстонликда 48 тага, Оққўрғонда 3 тага, Охангаронда 10 тага, Зангиотада 54 тага, Қибрайда 23 тага, Қуйичирчиқда 22 тага, Паркентда 56 тага, Пскентда 18 тага, Ўртачирчиқда 4 тага, Тошкентда 5 тага, Юқоричирчиқда 122 тага, Янгийўл туманда 119 тага кўпайган[14]. Шу билан бирга, 2017 йилда Тошкент вилояти миқёсида 1938 та **ёлғиз оналар** ва 5117 та **оталикни белгилаш** билан боғлиқ туғилишларнинг қайд этилганлиги жойларда ханузгача шаърий никоҳларнинг сони юқори эканлигидан далолат беради. **Ёлғиз оналардан болалар туғилиши** Ангрен шаҳарда 150 та, Бекобод шаҳарда 92 та, Бекобод туманида 3 та, Бўкада 59 та, Бўстонликда 63 та, Зангиотада 103 та, Тошкентда 55 та, Олмалиқда 124 та, Охангарон туманда 47 та, Охангарон шаҳарда 7 та, Оққўрғонда 49 та, Паркентда 44 та, Пскентда 22 та, Чирчиқда 192 та, Чинозда 123 та, Юқоричирчиқда 133 та, Янгийўл туманда 105та, Янгийул шаҳарда 152 да, Ўртачирчиқда 118 та, Қибрайда 110 та, Қуйичирчиқда 90 та, Нурафшонда 2 ҳолатда қайд этилган. Шу ҳолатлар ўтган 2016 йилга Бекобод шаҳарда 22 тага, Бекободда 4 тага, Букада 3 тага, Тошкентда 13 тага, Олмалиқда 17 тага, Охангаронда 7 тага, Оққўрғонда 3 тага, Пскентда 4 тага, Чирчиқда 24 тага, Чинозда 10 тага, Юқоричирчиқда 43 тага, Янгийўлда 28 тага, Янгийўл шаҳарда 2 та, Ўртачирчиқда 55 тага, Қибрайда 28 тага нисбатан ошган. **Оталикни белгилаш орқали болаларнинг**

туғилиши Ангрен шаҳарда 359 та, Бекобод шаҳарда 184 та, Бекобод туманида 259 та, Бўкада 222 та, Бўстонликда 235 та, Зангиотада 263 та, Тошкентда 110 та, Олмалиқда 231 та, Охангарон туманда 134 та, Охангарон шаҳарда 109 та, Оққўрғонда 156 та, Паркентда 108 та, Пскентда 102 та, Чирчиқда 300 та, Чинозда 263 та, Юқоричирчиқда 343 та, Янгийўл туманда 288 та, Янгийўл шаҳарда 369 та, Ўртачирчиқда 550 та, Қибрайда 225 та, Қуйичирчиқда 302 та, Нурафшонда 5 та қайд этилган. Бу каби ҳолатлар ўтган 2016 йил кўрсаткичларига нисбатан Ангренда 5 тага, Бекобод туманида 31 тага, Бўкада 15 тага, Зангиотада 33 тага, Олмалиқда 33 тага, Охангарон шаҳарда 3 тага, Паркентда 4 тага, Пскентда 6 тага, Чинозда 20 тага, Янгийўл туманда 4 тага, Қуйичирчиқда 14 тага ошган[15].



Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти бўйича хотин-қизлар ўртасида жиноятчилик ҳолати:


Тошкент шаҳри бўйича 2017 йил жиноят содир қилган хотин-қизлар 1592 тани ташкил этган. 2016 йилга нисбатан 426 тага камайган. 2017 йилнинг 12 ойи давомида аёллар томонидан жиноят қидирув йўналишида содир этилган жиноятлар таҳлил қилинганда, Тошкент шаҳрида 2017 йилда аёллар томонидан 1315 жиноят (2016 йилда 1613 жиноят) содир этилган бўлиб, аввалги йилга нисбатан 18,5%га камайган. Жиноят турлари бўйича

қотиллик - 7(0,5%), қасддан оғир тан жароҳати етказиш - 22(1,7%), ўғирлик - 168(12,8%), талончилик - 16(1,2%), босқинчилик - 10(0,8%), безорилик - 37(2,8%), товламачилик - 8(0,6%), фирибгарлик - 321(24,4%) та жиноят содир этилган. 2016 йилда содир этилган 1613 та жиноятдан қотиллик - 22(1,4%), қасддан оғир тан жароҳати етказиш - 23(1,4%), ўғирлик - 201(12,5%), талончилик - 12(0,7%), босқинчилик - 8(0,5%), безорилик - 46(2,9%), товламачилик - 13(0,8%), фирибгарлик - 254(15,7%) та жиноят содир этилган. **Жиноятчиликнинг қуйидаги турлари бўйича:** қотиллик (15 тага), қасддан оғир тан жароҳати етказиш (1 тага), ўғирлик (33 тага), безорилик (9 тага), товламачилик (5 тага) жиноятлари камайган. **Жиноятчиликнинг қуйидаги турлари бўйича:** талончилик (4 тага), босқинчилик (2 тага), фирибгарлик (67 тага) жиноятлари ошган. Ҳар иккала йил давомида энг кўп жиноятчилик фирибгарлик (2016 йилда 15,7%, 2017 йилда 24,4%) ҳамда ўғирлик (2016 йилда 12,5%, 2017 йилда 12,8%) жиноятларини ташкил этган[16].

Тошкент вилояти бўйича 2017 йил жиноят содир қилган хотин-қизлар 1402 тани ташкил этган. 2017 йилнинг 12 ойи давомида аёллар томонидан жиноят қидирув йўналишида содир этилган жиноятлар таҳлил қилинганда, Тошкент вилоятида 2017 йилда аёллар томонидан 885 жиноят (2016 йилда 970 жиноят) содир этилган бўлиб, аввалги йилга нисбатан 8,8% га камайган. Жиноят турлари бўйича қотиллик - 9(1%), қасддан оғир тан жароҳати етказиш - 29(3,3%), ўғирлик - 116(13,1%), талончилик - 3(0,3%), босқинчилик - 4(0,5%), безорилик - 26(2,9%), товламачилик - 5(0,6%), фирибгарлик - 145(16,4%) та жиноят содир этилган. 2016 йилда содир этилган

970 та жиноятдан қотиллик - 12(1,2%), қасддан оғир тан жароҳати етказиш - 26(2,7%), ўғирлик - 83(8,6%), талончилик - 6(0,6%), босқинчилик - 7(0,7%), безорилик - 25(2,6%), товламачилик - 5(0,5%), фирибгарлик - 146(15,1%) та жиноят содир этилган. Жиноятчиликнинг қуйидаги турлари бўйича: қотиллик (3 тага), талончилик (3 тага), босқинчилик (3 тага), фирибгарлик (1 тага) жиноятлари камайган. Жиноятчиликнинг қуйидаги турлари бўйича: қасддан оғир тан жароҳати етказиш (3 тага), ўғирлик (33 тага), безорилик (1 тага) жиноятлари ошган, товламачилик (бир хил). Ҳар иккала йил давомида энг кўп жиноятчилик фирибгарлик (2016 йилда 15,1%, 2017 йилда 16,4%) ҳамда ўғирлик (2016 йилда 8,6%, 2017 йилда 13,1%) жиноятларини ташкил этган[17].

2017 йилда хотин-қизлар томонидан Республика миқёсида содир этилган жиноятлар бўйича Тошкент шаҳрида 13,75% ни (2016 йилда 14,52%), Тошкент вилоятида 9,26% (2016 йилда 8,73%) ни ташкил қилган[18].




2017 йил ноябрдаги Тошкент вилоят Халқ депутатлари Кенгашининг навбатдаги XXVI сессиясида Тошкент вилоят собиқ ИИБ бошлиғи С.А.Нишанбаев "Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат

тартибини сақлаш ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш борасида секторлар ишларини янада самарадорлигини оширишга доир чоратадбирлар тўғрисида" ҳисоботида аёллар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг асосий қисми оиладаги низолар туфайли содир этилаётганлигини, хусусан, аёллар томонидан содир этилган қотиллик, қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятлари турмуш ва бирга ҳаёт кечириш масалаларидан, яқин қариндошлари ўртасидаги келишмовчиликлар натижасида юзага келиб чиққанлиги қайд этилган. Тошкент вилояти ҳудудида 2017 йилда содир этилган жиноятлар кўрсаткичи бўйича 2016 йилга нисбатан камайиш тенденцияси кузатилган[19].

ИИВ Жамоатчилик ва ОАВ билан алоқалар бошқармаси маълумотида кўра Ўзбекистонда 2017 йилда оилавий низолар оқибатида содир этилган 191 та қотилликдан 62 ҳолатда эр хотинининг жонига қасд қилган бўлса, 10 тасида хотин эрини ўлдирган. 119 тасида ака-укани, опа-сингилни, қайнона куёвни, почча қайнисининг жонига қасд қилиб, ўлдирган ҳолатлар қайд этилган бўлиб, Тошкент шаҳрида 24, Тошкент вилоятида 22 та қотиллик **оилавий жанжаллар оқибатида** содир этилган. 2016 йили Республика бўйича қайд қилинган 73 минг 692 та жиноятдан 9,5 мингдан ортиғи аёллар томонидан содир этилган. 2017 йил давомида **Тошкент шаҳрида 1592 та, Тошкент вилоятида 1402 та жиноятчилик қайд этилган**"[20].

Тошкент шаҳрида суицид ҳолати: Тошкент шаҳрида аёллар томонидан 2017 йилда содир этган суицид ҳолатлари 85 тани ташкил этади. 2016 йилга қараганда 33 тага камайган бўлсада, лекин бу кўрсаткич барибир кўп

ҳисобланади. 2017 йилнинг 12 ойи давомида хотин-қизлар ўртасида қайд этилган суиқасд ва қасд ҳолатлари таҳлил қилинганда, жами 85 нафар ўз жонига қасд қилган хотин-қизлардан: 4 нафари 18 ёшгача бўлган қизлар (Миробод, Шайхонтоҳур, Яккасарой ва Яшнобод). 34 нафари 30 ёшгача бўлганлар (Бектемир ва Сергелида 1 тадан, Миробод, Юнусобод, Олмазорда 2 тадан, Учтепа, М.Улуғбек ва Шайхонтоҳурда 3 тадан, Яккасарой 4 та, Чилонзорда 6 та, Яшнободда 7 та ҳолат қайд этилган). Вафот этганлар - 27 нафар (Яккасаройда 1 та, Бектемир, Олмазор, Учтепа, Юнусободда 2 тадан, М.Улуғбек, Сергели ва Чилонзорда 3 тадан, Шайхонтоҳурда 4 та, Яшнободда 5 та)[21].



Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси депутатларининг қўшма йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномасида сўзлаган нутқида Хотин-қизлар қўмитаси фаолияти қаттиқ танқид қилинди. **"Жойларда аёлларнинг аҳволи жуда оғир, оддий аёлни дардини ҳеч ким билолмаяпти"** дея эътироз билдирди Президентимиз[22]. Президент Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолияти хусусида сўз юритар экан, умуман, Ўзбекистондаги хотин-

қизлар аҳволига алоҳида тўхталиб, аёллар орасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари соат сайин ошаётганини алоҳида қайд этди.

2018 йил 2 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ 5325-сон Фармони халқимиз томонидан юртимиз аёлларининг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоялашга қаратилган тарихий ҳужжат сифатида қабул қилинди. Ушбу фармонга мувофиқ Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг янги ташкилий тузилмаси ҳамда Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди. Фармонда, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятининг биринчи устувор йўналиши хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга доир давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги роли ва фаоллигини ошириш этиб белгиланиши муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси ва унинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари, энг аввало, жойларда оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларни, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларни ўз вақтида аниқлаш, улар билан яқка тартибда ҳамда аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни олиб бориш, уларни манзилли қўллаб-қувватлашга масъул этиб белгиланди. Унга кўра, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятининг устувор йўналишлари бўйича вазифалар белгилаб берилди.

Таклифлар. Комплекс ишлар:

Ҳамкорликдаги ташкилий-амалий ишлар: хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш масаласида ҳудудларда олиб борилаётган тарғибот ва ташвиқот ишларининг самарадорлигини янада ошириш мақсадида жамоатчиликнинг ролини ошириш, туман ва шаҳар ҳокимликлари, хотин-қизлар қўмитаси ҳудудий бўлинмалари, тиббиёт бирлашмалари ва соғлиқни сақлаш муассасалари, халқ таълими бўлимлари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролари йиғинлари раислари ва уларнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари (2018 йил 1 апрелдан "хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис"), Ўзбекистон мусулмонлари идораларининг ҳудудий вакиллиги, "Ёшлар иттифоқи"нинг ҳудудий кенгашлари, ФХДЁ бўлимлари, "Нуроний" жамғармаси ҳамкорликда ҳудудда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда, хусусан, ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик, ўз жонига қасд ва суиқасд, оилавий низо ва ажримларни олдини олишда фуқаролар фаоллигини ошириш, бунда барча ташкилот ва идоралар мутассадди раҳбар ва ишчи ходимларининг ҳамкорлигиниянада кучайтириш лозим;

Фуқароларнинг ёзма ва оғзаки мурожатлари бўйича: маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари раҳбарлари, жумладан ҳоким ўринбосари - хотин-қизлар қўмиталари раислари томонидан бўладиган фуқароларнинг мурожатлари бўйича аниқ кун ва вақт белгиланмаган, натижада бу раҳбарларнинг иш вақти нотўғри тақсимланишига ва ташкиллаштирилишига олиб келмоқда, фуқароларнинг мурожатларини

мазмунига кўра ҳафта кунлари бўйича тақсимлаш, мурожат тартиби бўйича кўргазмаларни "Мурожат бурчаги"ни ташкил қилиш, оғзаки ва ёзма мурожатларнинг мавзусига қараб тизимга солиш, гуруҳлаштириш ва автоматлаштириш, фуқароларнинг мурожатлари бўйича аҳолига ОАВ орқали қисқа роликлар тайёрлаб намойиш қилиб бориш;

Ёшларга берилаётган таълим-тарбия ва улар ўртасида олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари бўйича: таълим муассасаларида ёшларнинг маънавий, миллий, диний, одоб-ахлоқ масалаларидаги билимлари, бурч ва вазифалари (фуқаро, фарзанд, ота-она сифатида) бўйича чуқур таълим-тарбия бериш, фарзандларимизни ёшлигидан иймон, диёнат, оила олдидаги ҳар бир шахснинг бурчи, садоқат, оила муқаддаслиги ва б.ларни сингдириб бориш; таълим муассасаларида маънавий-диний, миллий, ахлоқий руҳдаги тадбирлар - китоб ўқиш, расм чизиш, ривоят ва ҳикоялар айтиш ва б.)ни ўтказиш, буюк муҳаддисларнинг ҳадисларини ўрганиш ва ёд олиш бўйича танловларни ташкил қилиш;

Оналик ва болаликнинг муҳофазаси йўналишидаги ишлар: ҳудудий болалар шифокорлари-педиатрлари томонидан туғилганлиги қайд этилмаган болалар ҳақида зудлик билан ФХДЁ бўлимлари хабардор қилиниши орқали туғилганликни муддатини ўтказиб қайд этиш ҳолатини олдини олишга ва болалар ҳуқуқларининг бузилишини ҳамда одам савдоси каби жиноятларни келиб чиқаришга замин яратадиган ҳолатларни олдини олишга эришилади; оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оналар ва болаларга тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилаш, соғлом авлод туғилиши ва тарбияланиши бўйича эришилган ижобий нати-

жаларини янада ошириш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш, давлат сиёсати даражасига кўтарилган бу масалага эътиборни янада кучайтириш; юқорида келтирилган ҳолатларнинг вужудга келиш сабаблари туман ва шаҳар хотин-қизлар кўмиталари раислари томонидан тиббиёт бирлашмалари ҳамда соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбарлари, фуқаролар йиғинлари раислари ва фаоллари билан биргаликда ўрганиб чиқилиши, келгусида мазкур ҳолатларни бартараф этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади;

Ажримларнинг олдини олиш масаласида: ажрим масаласида куёвлар учун намуна бўладиган маҳалланинг нуфузли оталари, эркаклари, имом хатибидан иборат "Оқсоққоллар кенгаши"ни тузиш (келинлар учун "Қайноналар кенгаши"дан иборат онахонлар маслаҳат беради, лекин куёвлар учун ҳам шундай иборат мактаби бўлиши керак); оилавий муаммоларни эрта аниқлаш ва бартараф этиш: маҳаллаларда фаоллар ва мутахассислар билан муаммоли оилаларни ўрганиш, аниқланган муаммоларни масъул сектор раҳбарларига тақдим этиш, ҳал этилишини назоратга олиш;

Жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган профилактик ишлар: жиноят содир этган хотин-қизларнинг асосий қисми ишсизлар эканлигини ҳисобга олган ҳолда хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш; бандликка кўмаклашиш марказларига жалб этиш, ўқув курсларида ўқитиш, оилавий тадбиркорлик, касаначиликни ривожлантириш; хотин-қизлар ўртасида содир этилган жиноятчиликларнинг асосий қисми фирибгарлик ва ўғирлик эканлигини ҳисобга олган ҳолда хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқий саводхонликни

ошириш, ноқонуний равишда четга чиқиш билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш мақсадида қонуний чет давлатга чиқишлари масаласида бепул юрист консултацияларини йўлга қўйиш; ҳар бир хотин-қизлар билан индивидуал ишларни олиб бориш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис ўз ҳудудидаги оиланинг энг яқин шахс бўлиши, ҳар бир оилада юзага келаётган муаммолар, нохуш ҳолатларни аниқлаб, бу ҳолатларни тегишли идораларга, яъни ҳудудий хотин-қизлар қўмитаси, прокуратура ва ички ишлар органлари, ФХДЁ бўлимларига хабар бериб боришлари мақсадга мувофиқ ҳисобланади; аёллар жиноятчилигининг профилактикасида улар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг умумий хусусиятига эга бўлган омиллари билан бирга, айнан аёлларда ғайриқонуний хулқ-атворни вужудга келтирувчи кучли эмоционал омилларни ўз вақтида аниқлаш ва уларни бартараф этиш; профилактик ишларни самарали амалга оширишда ҳуқуқбузар ва унга мойиллиги бўлган аёллар билан психологик алоқа ўрнатиш орқали таъсир кўрсатиш; ички ишлар органлари профилактика инспекторлари, жамоатчилик институтлари, хусусан, маҳаллада истиқомат қилаётган фуқаролар ёрдамида беқарор оилаларни, эр ёки хотиннинг хулқ-атворида салбий хусусиятларнинг пайдо бўлганлигини ўз вақтида аниқлаш, жиноят содир этишга мойил бўлган шахслар, хусусан, аёлларга нисбатан ғайриқонуний хулқ-атвор шаклланишининг дастлабки босқичларида профилактика ишларини тўғри ташкил этиш; аёллар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, аёлларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, алкоголизм ва

гиёҳвандликка ружу қўйган, илгари судланган ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган аёлларни аниқлаш ва улар билан яқка тартибдаги профилактик ишларни кучайтириш, жамиятга нисбатан салбий хулқ-атворли аёллар билан профилактик ишларни олиб бориш; ҳаммом ва сауналар, "массаж"хоналар, оромгоҳ, санаторий ва профилакторий, дала ҳовли, меҳмонхона ҳамда ётоқхоналар, ўз уйлари ижарага берувчи шахсларнинг фаолиятини қатъий тартибда назорат остига олиш, уларда содир этилиши мумкин бўлган турли ноқонуний хатти-ҳаракатлар, шунингдек ахлоқ-одоб доирасидаги ҳуқуқбузарликларни аниқлаш юзасидан махсус тадбирлар ўтказиб бориш; тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, турли тери-таносил ва ОИТС касалликлари тарқалишининг олдини олиш, бу тоифа касалликларга чалинган шахсларни аниқлаш ва бу борада жамоатчилик таъсирини оширишга бағишланган профилактик мазмундаги учрашувлар, бевосита мулоқотлар ва давра суҳбатларини ўтказиш; ҳуқуқбузарликлардан жабрланган аёлларга, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган аёлларга нисбатан қуйидагилар асосида ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чоратадбирлари амалга ошириш зарур: педагогик ёрдам; психологик ёрдам; тиббий ёрдам; ижтимоий ёрдам (иш, ўқиш, яшаш жойи билан таъминланиши, оиласи ва яшаш жойидаги маҳалла аҳли билан киришиб кетиши кабиларда); моддий ёрдам; ҳуқуқий ёрдам;

Суиқасд ҳолатларини олдини олиш масаласида: руҳиятда ўзгаришлар ва

руҳий касалликка чалинган фуқароларни рўйхати асосида оилаларга бириктирилган патронаж ҳамширалари томонидан назоратга олинишини таъминлаш; бошқа сабаблар (ёшлар ўртасида севги-муҳаббат муносабатлари, ўқишга кира олмаслик, атрофдагилар билан зиддият, яқин кишисини йўқотиш ва бошқалар); таълим муассасалари психологлари томонидан ўқувчилар ўртасида психологик тест, анкета сўровномаларини тез-тез ўтказиб бориш, ўзгариш аниқланган ўқувчилар билан индивидуал психолог, психиатр билан ҳамкорликда ишлаш, тест натижаларини ССББ тизимида фаолият юритувчи суицидолог, психиатр врачларга ўрганиш учун юбориш ва доимий назоратга олиш;

Раҳбарларнинг ишини ташкиллаштириш бўйича: хотин-қизлар кўмитаси раисларининг иш фаолияти ва шахсий ҳаёт (оила, фарзандлар) ўртасида баланс (мутаносиблик)ни таъминлаш, шарт-шароит яратиш, чунки раҳбар аёлларнинг оилага ажратаётган вақти минимал даражада.

Хулоса. Бугунги хотин-қизларнинг ҳуқуқий мақомини таъминлаш хотин-қизлар ҳуқуқларини янада кенгроқ ҳимоя қилиш, бозор иқтисодиёти шароитида уларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишлари учун уларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий

маданиятини юксалтириш каби масалалар ҳозирги кунда ҳам долзарб аҳамият касб этади. Айниқса, мулкчилик шакли турлича бўлган хўжалик юритувчи субъектларда аёлларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш борасида ҳали муаммолар борлигини кўриш мумкин. Ушбу муаммоларни ҳал қилиш учун давлат ҳокимияти органлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг, жамоатчиликнинг фаоллигини ошириш, оммавий ахборот воситалари орқали аёлларнинг ҳуқуқларини кенг тарғиб қилиб бориш лозим. Аёлларимиз оила ишларида кўпроқ машғул бўлиб қолмоқдалар. Аёлларни кўпроқ сиёсий фаолликка, давлат ва жамият ишларига жалб қилиш керак. Хулоса қилиб айтганда, хотин-қизлар соҳасида амалга оширилаётган давлат сиёсатини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш, бу масалада барча давлат ташкилотлари ва идораларининг фаоллигини ошириш, бу ишларни ҳамкорликда ташкил қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ 5325-сон Фармонида белгилаб берилган 4 та йўналиш бўйича чора-тадбирлар режаси асосида амалда ишларни комплекс ташкил қилиш лозим.

Фойдаланилган абадиётлар рўйхати:

1. Тошкент шаҳар, Тошкент вилояти ҳокимлигидаги мавжуд ҳужжатлар - иш режалари, баённомалар, бажарилган ишлар юзасидан ҳисоботлар. 2017 йилга оид.
2. Тошкент шаҳар, Тошкент вилояти ҳокимлигидаги мавжуд ҳужжатлар - иш режалари, баённомалар, бажарилган ишлар юзасидан ҳисоботлар. 2017 йилга оид.
3. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси раисининг 2017 йил якуни бўйича ҳисоботи. 2018 йил.
4. Тошкент вилояти ҳокими ўринбосари - хотин-қизлар кўмитаси раиси О.Парпиеванинг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигига берган ахбороти. 26.12.2017 йил.

5. Тошкент вилоят ҳоқими ўринбосари - хотин-қизлар қўмитаси раисининг тақдимоти. 2018 йил.
6. Тошкент вилоят ҳоқимлиги, хотин-қизлар фаолиятига оид ҳисоботлар. 2018 йил.
7. Тошкент шаҳар ҳоқимлиги, хотин-қизлар фаолиятига оид ҳисоботлар. 2018 йил.
8. Тошкент вилояти адлия бошқармаси ҳисоботи. 2018 йил.
9. Тошкент шаҳар ҳоқимлиги, хотин-қизлар қўмитаси раисининг 2017 йил якуни бўйича ҳисоботи. 2018 йил.
10. Тошкент вилояти адлия бошқармаси ҳисоботи. 2018 йил.
11. Тошкент шаҳар ҳоқимлиги, хотин-қизлар фаолиятига оид ҳисоботлар. 2018 йил.
12. Тошкент вилояти адлия бошқармаси ҳисоботи. 2018 йил.
13. Тошкент вилоятининг статистик ахборотномаси. 2017 йил январь-декабрь. Тошкент. 2018 йил. 70-бет
14. Тошкент вилояти адлия бошқармаси ҳисоботи. 2018 йил.
15. Тошкент вилояти адлия бошқармаси ҳисоботи. 2018 йил.
16. Тошкент шаҳар ҳоқимлиги, хотин-қизлар фаолиятига оид ҳисоботлар. 2018 йил.
17. Тошкент вилоят ҳоқимлиги, хотин-қизлар фаолиятига оид ҳисоботлар. 2018 йил.
18. ЎЗР ИИВ нинг ҳисоботи. 2018 йил январь.
19. 2017 йил ноябрдаги Тошкент вилоят Халқ депутатлари Кенгашининг навбатдаги XXVI сессиясида Тошкент вилоят собиқ ИИБ бошлиғи С.А.Нишанбаевнинг ҳисоботи
20. ХПКнинг 2018 йил 7 март куни бўлиб ўтган навбатдаги сессиясида ИИВ жамоатчилик ва ОАВ билан алоқалар бошқармаси бошлиғи, генерал-майор Қ. Бурҳонов ҳисоботи
21. Тошкент шаҳар ҳоқимлиги, хотин-қизлар фаолиятига оид ҳисоботлар. 2018 йил.
22. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси депутатларига Мурожаатномасида сўзлаган нутқи. 2017 йил 22 декабрь